

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил 14-март куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи - судья А.Т.Дусмуродов,

судья ёрдамчиси Ш.Махмудовнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Сирғали туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Ақромов, судланувчи Л.Азаматова, унинг манфаатларини ҳимоя қилган “Human Right” адвокатлик бюроси адвокати Б.Искандеров, жабрланувчининг қонуний вакили А.Югайнинг иштирокида, Ф.Ақромовнинг таржимонлигида, Азаматова Лобар Олимовнага оид 1-1011-2306/126-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Азаматова Лобар Олимовна (Azamatova Lobar Olimovna), 1985 йил 17-октябрь куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оиласидан ажрашган, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур МФЙ, Нукус кўчаси, 2А-уй, 95-хонадонда доимий рўйхатда туриб, истиқомат қилувчи, 2022 йил 28-декабрь куни ЖПКнинг 221-моддасига асосан ушланган, 2022 йил 29-декабрь куни эҳтиёт чораси “уй қамоғи” қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 5-февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми ва 117-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, тарафларнинг музокарасини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Азаматова Лобар Олимовна 2022 йил 3-ноябрь куни соат 18:00ларда, бошқарувидаги “Каптива” русумли давлат рақами белгиси 01 С 006 ОВ бўлган автомобилни Сирғали тумани, Нилуфар 3-тор кўчаси бўйлаб бошқариб, ушбу йўлнинг 9-уй қаршисида, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди, 11-банди “г” қисми, 77-банди 3-қисми, яъни «Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак», «ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши», «ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини



кўриши керак» деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, йўналишига нисбатан ўнгдан чап томонга йўлни кесиб ўтаётган пиёда 1955 йилда туғилган Югай Александр Евгеньевични автомобилнинг олд томони билан уриб юбориб, пиёдага тан жароҳати етказган.

Бундан ташқари, Азаматова Лобар Олимовна 2022 йил 3-ноябрь куни соат 18:00ларда, Сирғали тумани, Нилуфар 3-тор кўчаси, 9-уй қаршида ҳаёти ва соғлиғи хавф остига қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган Югай Александр Евгеньевичга ёрдам кўрсатмасдан амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 13-банди 2 ва 4-қисмлари талабларини кўпол равишда бузиб «йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда қутқарув хизматларини чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлақай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўзисми-шарифи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши, ҳодиса ҳақида ИИБга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-шарифини ва яшаш манзилини ёзиб олиб, ИИБ ходимларининг келишини кутиши шарт» деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан, оғир даражадаги тан жароҳатлари олган пиёда А.Е.Югайга тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрмасдан, пиёданнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига солиб қўйиб 4 соат мобайнида ўз автомобилида мақсадсиз олиб юриб, йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида ИИБга хабар бермасдан ва уларнинг келишини кутмасдан ҳодиса жойидан яширинган Натижада Югай Александр Евгеньевични уни турмуш ўртоғи А.Югай шифохонага олиб борган.

Югай Александр Евгеньевич олган тан жароҳатлари оқибатида 2022 йил 8-ноябрь куни шифохонада вафот этган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2022 йил 17-ноябрь кунидаги №1156-мурда сонли хулосасига кўра, Югай Александр Евгеньевичнинг ўлими-калла гумбаз суягини асос суягига ўтиб синиши, бош мия тўқимасига ва пардали остига қон қуйилиши, икки томонлама қовурғалар синишлари, ўпкалар лат ейиши билан бирга кечган бош, кўкрак қафаси ва танани ёпиқ кўшма тўмтоқ жароҳатидан юз берган. Югай Александр Евгеньевич мурдаси танасида қуйидаги тан жароҳатлари мавжудлиги аниқланди, яъни бош кўкрак қафаси ва танани ёпиқ кўшма тўмтоқ жароҳати, калла гумбаз суягини асос суягига ўтиб синиши, бош мия тўқимаси ва пардалари остига қон қуйилишлари, икки томонлама қовурғалар синишлари, ўпкалар лат ейиши, чап кўз қовоғи ости гематомаси, чап ёнбош соҳаси қонталашлар мавжуд бўлиб, ушбу жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсирида ҳаётлигида, касалхонага тушишидан олдин етказилган бўлиб, оғирлик



даражасига кўра одатда тирик шахсларда биргаликда ҳаёт учун хавфли “оғир” тан жароҳатларига киради ва ўлим юз бериши билан сабабий боғлиқликда. Жароҳатларнинг жойлашган жойи, тури ва характериға кўра ушбу жароҳатлар ҳаракатланаётган автомобили уриб юбориши оқибатида етказилган бўлиши мумкинлиги инкор этилмайди. Бирламчи зарба тананинг кўкрак қафаси ва чап ёнбош соҳасига бўлган бўлиши мумкин. Югай Александр Евгеньевич касалхонаға тушганида унинг қонидан 1.6 г/л алккоголь мавжудлиги аниқланган.

Жиноят иши юзасидан ўтказилган судға оид автотехник экспертизасининг 2022 йил 6 декабрь кунидаги № 29/116810 сонли ҳулосасига кўра, “Каптивa” русумли автомобилида 45 км/соат тезлик билан ҳаракатланган бўлса ҳамда пиёда ҳаракатға хавф туғдириб воқеа жойигача бўлган масофани 4.2-4.3-4.5 секунд вақт ичиди босиб ўтган бўлса, ҳайдовчи пиёдани кўриб ўз вақтида кескин тормоз бериш йўли билан йўл транспорт ҳодисасини олдини олиш учун техник имкониятға эға бўлган. Ушбу йўл транспорт ҳодисаси шароитида “Каптивa” русумли автомобилнинг ҳайдовчиси Л.Азаматова амалдаги ЙХКнинг 77-банди 3-қисми талабларига кўра, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф юзаға келса, транспорт воситасининг тезлигини тўла у тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириш чораларини кўриши керак эди. Юқоридаги ҳисобларға кўра, Каптивa русумли автомобили ҳайдовчиси Л.Азаматова «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 77-банди 3-қисми талабларига риоға қилиб ҳаракатланганида ҳам пиёдани уриб юборишни олдини олиш техник имкониятиға эға бўлган. Шунға кўра, Каптивa русумли автомобилнинг ҳаракатлари амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 77-банди 3-қисми талабларига мос бўлмаганлиги кўрсатилган.

Судланувчи Л.Азаматова суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2022 йил 3-ноябрь куни соат тахминан 18:00ларда бошқарувидаги “Каптивa” русумли давлат рақами белгиси 01 С 006 ОВ бўлган автомобилида укаси Л.Олимов, вояға етмаган 2 нафар фарзандлари билан биргаликда Тошкент шаҳар Сергели тумани кўчаси Нилуфар 3-тор кўчаси бўйлаб, Дарё бўйи кўчаси томонига қараб тахминан ўртача 45км/соат тезликда ҳаракатланиб келганини, ушбу куни кўча қоронғу, асфалт қоламаси нам ҳолатда, об ҳаво шароити ёмғирли, суний ёритилганлигини, ҳаракати мобайнида, ушбу йўлнинг 9-уй қаршисида укаси Лазиз бирданиға “тўхтат” деб бақирганини ва у автомобилни тўхтатганини ва улар автомобилдан тушганда автомобил қатнов қисми ўртасида шахси унга кейинчалик маълум бўлган Югай Александр Евгеньевич асфальт устида ётганини ва бурин қисмида қон келаётганлигини кўрганини, шу вақтда номаълум 2 киши келганини ва улар унга ёрдам беришлик учун автомобилнинг мазкур 2 нафар номаълум эркаклар билан биргаликда орқа томон ўриндиғига ўтқазилганини, у қарахт аҳволда бўлгани боис рул бошқарувига укаси Лазиз ўтирганини, у эса олд йўловчи



ўриндиққа ўтирганини, улар яқин орадаги шифохонага олиб бормоқчи бўлишганини, йўлда ҳаракатланиб кетаётганида А.Югай ўзига келганини ва уларга қараб “мен уйга кетишни хоҳлайман, ман яхшиман,” деганини ва бир неча маротаба уйга кетаман деяверганини, сўнг Чилонзор тумани Илон ота мавзесида жойлашган дорихонада тўхташганини, дорихонада сув олиб чиқишганини, шу ерда яна А.Югайга ёрдам берилмаганлигини деган гап бўлмасин деб, ўз телефонида А.Югайни видеотасвирга олишганини, шу ерда ҳам А.Югай ўрнидан туриб, бир икки кадам ташлаб, яна ерга йиқилиб тушаверганини, сўнг бир неча мароталаб бизга “хотин келсин” деяверганини, сўнг А.Югай турмуш ўртоғига қўнғироқ қилганини ва Чилонзор тумани 19-мавзегга етиб келишликни айтганини, сўнг улар тез тиббий ёрдам автомобилини чақиртирганликларини ва шу орада А.Югайнинг турмуш ўртоғи етиб келганини ва уни тез тиббий ёрдам хизматида 16-сонли шифохонага олиб боришлигини маълум қилишганини, улар ҳам унинг соғлиғига қизиққанликлари боис, тез тиббий ёрдам автомобили ортидан шифохонага боришганини, сўнг у шифокор олдига кириб, А.Югайни ҳолати ҳақида қизиққанини, шифокор А.Югайнинг аҳволи яхши эканлигини айтганини, автомобилида ёш болалар бўлгани боис улар уйга қайтиб кетишганини, эртаси куни укаси Лазиз А.Югайдан хабар олиб келайлик дегани сабабли улар шу куни кечки 17:00ларга шифохонага боришганини ва А.Югайнинг оғир аҳволда кома ҳолатида эканлигини билишганини, шу тариқа яна 2 кун мобайнида шифохонага бориб А.Югайдан хабар олишганини, шу орада А.Югайнинг турмуш ўртоғи унга қўнғироқ қилиб, уни яшаш манзилини сўраганини, бироқ Алефтина Югай унга бу ҳақида маълумот бермаганини, сўнг А.Югайнинг турмуш ўртоғи Алефтина опадан хабар олишлик учун унга бир неча маротаба қўнғироқ қилишганини, бироқ Алефтина жавоб бермаганини, сўнг Югайнинг яшаш манзилини топиб унинг уйига борганида, Югай Алефтина улар билан гаплашмаслигини маълум қилганини, 2022 йил 9 ноябрь куни А.Югайдан хабар олишлик учун шифохонага борганида, А.Югайнинг вафот этганлигидан хабардор бўлишганини, у А.Югайни айнан қандай йўлни кесиб ўтганлигини билмаслигини ва уриб юборганини ҳам билмай қолганлигини, сабаби ушбу кўча қоронғу ва ёмғир ёғаётган бўлганини, автомобилнинг олд ойналарани тозаллагичи (дворник) ишлаб турганлиги сабабли уни умуман пиёда кўрмаганини, фақатгина укаси Лазиз “тўхтат” деганидан сўнг, автомобилни тўхтатиб ундан тушганида пиёда А.Югай ётганлигини кўрганини, у мазкур жиноят иши бўйича ўтказилган судга оид тиббиёт, судга оид автотехник экспертизалар, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси видеотасвирини кўриб танишиб чиққанини, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлигини, эҳтиётсизлигидан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, турмуш ўртоғи билан бирга яшамаслигини, чин кўнгилдан пушаймондалигини, жабрланувчи қонуний вакили Югай Алефтина ундан моддий ва маънавий



зарарни қабул қилмагани сабабли 70.000.000 сўм пул маблағларини суднинг депозит рақамига тўлашганини, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Л.Азаматованинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили А.Югай қуйидагиларни, яъни мархум Югай Александр унинг турмуш ўртоғи бўлишини, 2022 йил 3 ноябрь ЙТХ содир этилганидан хайдовчи Л.Азаматова сўнг ҳеч қандай сабабсиз турмуш ўртоғини шифохонага олиб бормай, 4 соат мобайнида кўчада олиб юришганини, у йўл-транспорт ҳодисасидан хабар топганидан сўнг бир неча маротаба турмуш ўртоғи А.Югайга қўнғироқ қилганини, турмуш ўртоғи А.Югай гўшакни кўтариб саволларига жавоб бера олмаганини, фақатгина Чилонзор Ипподромдаман деганини, унинг ёнида хайдовчи бўлсада, улар унга нима бўлгани хақида гапирмаганини, шу тариқа орадан 4 соат вақт ўтиб у Чилонзор тумани, 19-мавзесига етиб борганини, у ерда бўлган вақтида турмуш ўртоғи А.Югай тан жароҳати олган ҳолатда ўтирганини, турмуш ўртоғи А.Югайнинг усти бошлари қонга беланган бўлганини, сўнг у турмуш ўртоғи А.Югайни шифохонага олиб боришганлигини, шифохонада у Л.Азаматовадан нима бўлди деса, у турмуш ўртоғини йўлда йиқилиб ётганида ёрдам кўрсатиш учун олиб келишганлигини маълум қилганлигини, хайдовчи томон агарда йўл-транспорт ҳодисасидан сўнг турмуш ўртоғини шунча вақт кўчада олиб юрурмай шифохонага олиб бормаганида ўлим бўлмаслиги мумкин бўлганлигини, ҳозирда уни судланувчи Л.Азаматовага нисбатан даъвоси борлигини, Л.Азаматова томонидан таклиф этилган моддий зарарни олмаслигини, Л.Азаматовага нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Л.Олимов қуйидагиларни, яъни у 2022 йил 3-ноябрь куни соат тахминан 18:00ларда опаси Л.Азаматова бошқарувидаги “Каптивa” русумли давлат рақами белгиси 01 С 006 ОВ бўлган автомобилида олд йўловчи ўриндикда, вояга етмаган 2 нафар жиянлари билан биргаликда Тошкент шаҳар, Сергели тумани кўчаси Нилуфар 3-тор кўчаси бўйлаб, Дарё бўйи кўчаси томонига қараб тахминан ўртача 45км/соат тезликда ҳаракатланиб келишганини, ушбу куни кўча қоронғу, асфалт қошламаси нам ҳолатда, об ҳаво шароити ёмғирли, суний ёритилганлигини, ҳаракати мобайнида, ушбу йўлнинг 9-уй қаршисига етганида у опаси Л.Азаматовага “тўхтат” деб бақирганини ва опаси Л.Азаматова автомобилни тўхтатганини ва улар автомобилдан тушганда автомобил қатнов қисми ўртасида шахси унга кейинчалик маълум бўлган Югай Александр Евгеньевич асфальт устида ётганини ва бурун қисмида қон келаётганлигини кўрганини, шу вақтда номаълум 2 киши келганини ва улар унга ёрдам беришлик учун автомобилнинг мазкур 2 нафар номаълум эркаклар билан биргаликда орқа томон ўриндигига ўтқазилганини, опаси Л.Азаматова қарахт аҳволда бўлгани боис рул



бошқарувига у ўтирганини, опаси Л.Азаматова эса олд йўловчи ўриндикқа ўтирганини, улар яқин орадаги шифохонага олиб бормоқчи бўлишганини, 16-сонли шифохона олдига боришганида А.Югай ўзига келганини ва уларга қараб “мен уйга кетишни хохлайман, ман яхшиман,” деганини, шу сабабли шифохонага киришмаганини, А.Югай бир неча маротаба уйга кетаман деяверганини, сўнг Чилонзор тумани Илон ота мавзесида жойлашган дорихонада тўхташганини, дорихонада сув олиб чиқишганини, шу ерда улар телефонида А.Югайни видеотасвирга олишганини, шу ерда ҳам А.Югай ўрнидан туриб, бир икки қадам ташлаб, яна ерга йиқилиб тушаверганини, сўнг бир неча мароталаб бизга “хотин келсин” деяверганини, сўнг А.Югай турмуш ўртоғига қўнғироқ қилганини ва Чилонзор тумани 19-мавзегга етиб келишликни айтганини, сўнг улар тез тиббий ёрдам автомобилини чақиртирганликларини ва шу орада А.Югайнинг турмуш ўртоғи етиб келганини ва уни тез тиббий ёрдам хизматида 16-сонли шифохонага олиб боришлигини маълум қилишганини, улар ҳам унинг соғлигига қизиққанликлари боис, тез тиббий ёрдам автомобили ортидан шифохонага боришганини, сўнг у шифокор олдига кириб, А.Югайни ҳолати ҳақида қизиққанини, шифокор А.Югайнинг аҳволи яхши эканлигини айтганини, автомобилида жиянлари бўлгани боис улар уйга қайтиб кетишганини, эртаси куни у опаси Л.Азаматовага А.Югайдан хабар олиб келайлик деб шу куни кечки 17:00ларга шифохонага боришганини ва А.Югайнинг оғир аҳволда кома ҳолатида эканлигини билишганини, шу тариқа яна 2 кун мобайнида шифохонага бориб А.Югайдан хабар олишганини, шу орада А.Югайнинг турмуш ўртоғи унга қўнғироқ қилиб, уни яшаш манзилини сўраганини, бироқ Алефтина Югай унга бу ҳақида маълумот бермаганини, сўнг А.Югайнинг турмуш ўртоғи Алефтина опадан хабар олишлик учун унга бир неча маротаба қўнғироқ қилишганини, бироқ Алефтина жавоб бермаганини, сўнг Югайнинг яшаш манзилини топиб унинг уйига борганида, Югай Алефтина улар билан гаплашмаслигини маълум қилганини, 2022 йил 9 ноябрь куни А.Югайдан хабар олишлик учун шифохонага борганида, А.Югайнинг вафот этганлигидан хабардор бўлишганини, у томонидан суднинг депозитига жабрланувчи қонуний вакили Алефтина Югайга моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун 70.000.000 сўм пулларни топширганини айтиб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшитирилган ва судланувчи томонидан тасдиқлаган гувоҳ Н.Ажибаевнинг дастлабки тергов давридаги кўрсатувларида қуйидагиларни, яъни у 2022 йил 3 ноябрь куни соат 18:00ларда у ўқишдан қайтиб уйи томонга яёв юрган ҳолатда Тошкент шаҳар Сергели тумани, Дарё бўйи кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётганлигини, ушбу йўлнинг Нилуфар 3-тор кўчаси билан кесишадиган чорраҳасининг 9-уй қаршисига яқинлашаётган вақтида кучли зарб овозини эшитганлигини ва автомобил қатнов йўлига қараса йўлда Каптива русумли давлат рақами белгиси 01 С 006 ОВ бўлган автомобилнинг олд томон



йўловчи қисмидан эркак киши яъни исми шарифи кейинчалик унга маълум бўлган Олимов Лазиз Олим ўғли ўғли тушганлигини кўрганлигини ва у дарҳол уларнинг олдига югуриб борганлигини, борганида автомобил хайдовчи томонида ерда Югай Александр Евгеньевични ётганлигини, автомобилнинг хайдовчи томон эшиги олдида исми шарифи кейинчалик унга маълум бўлган Азаматова Лобар Олимовна, шунингдек яна бир номаълум эркак киши, яъни билишимча ушбу номаълум эркак киши ҳам кўчада кетаётган бўлганлигини, ушбу жойда пиёда А.Югайнинг юз қисми қонга беланганлигини ва ҳушсизлигини, шу вақтда Л.Азаматова “энди нима қиламан” деб бакир-чакир қилиб, қарахт аҳволдалигини, сўнг улар пиёдани ушбу Каптива русумли автомобилнинг орқа томон йўловчи қисмига ортишганлигини, шунда Л.Азаматова “яқин орада қаерда шифоҳона борилигини” сўраганида, у унга 16-сонли шифоҳона борлигини айтганлигини ва Каптива автомобилнинг рул бошқарувига Л.Олимов ўтирди ва улар ҳаракатланиб кетишганлигини, Л.Азаматова эса қарахт аҳволга тушиб қолганлигини, сўнг у уйга қайтиб кетганлигини, пиёда унга таниш кўринганлигини, бироқ уни қаерда яшашини эслай олмагани сабабли ўртоғи Анварга қўнғироқ қилиб, ушбу шахс ҳақида тасвирлаб бериб, қаерда яшашини сўраганида ва у унга А.Югайнинг манзилни айтганидан сўнг Анвар билан учрашиб, А.Югайнинг яшаш манзилига боришганлигини ва уйдан Югай Алефтина чиқиб келганлигини ҳамда улар бўлиб ўтган ҳолатни айтиб берганлигини, сўнг уйга қайтиб кетишганлигини, шундан сўнг 05.11.2022 йил куни уни ЙХХБ Қидирув бўлими ходимлари чақиртиришганлигини ва у уларга бўлиб ўтган ҳолатни, Каптива русумли давлат рақами белгиси 01 С 006 бўлганлигини маълум қилиб кўрсатув берган.

Бундан ташқари судланувчи Л.Азаматованинг айби жиноят ишида тўпланган материаллар, яъни: йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жой чизмаси, далолатнома, тиббий маълумотнома, гувоҳ Н.Ажибаевнинг йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жойни кўрсатган фото жадвали, 1156-мурда сонли экспертиза хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Марказининг 2022 йил 22-декабрдаги судга оид транспорт-изшунослик экспертиза хулосаси, унга илова фото-жадвал, Ўзбекистон Республикаси Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Марказининг 2022 йил 5-декабрдаги судга оид автотехника экспертиза хулосаси, ДВД диск, нарсани кўздан кечириш баённомаси, унга илова фото-жадвал, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, юзлаштириш баённомалари, Л.азаматованинг кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, чизма ва илова фото-жадвал ва иш бўйича тўпланган суд терговиди Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан ҳам тасдиқланади.

Суд, судланувчи Л.Азаматованинг ҳаракатлари - транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситаси ҳаракати ёки



улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш оқибатида одам ўлишига сабаб бўлиш ҳамда ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйиш натижасида одам ўлишига сабабчи бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми ва ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми диспозициясида ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса, ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол одам ўлишига сабаб бўлганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, кўзда тутилган хавф остида қолдириш жиноятининг содир этилиши ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги мазкур ҳаракатни ЖКнинг 117-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 13-бандида ҳайдовчининг йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишида, жумладан, ҳаракатланиш тезлигини оширганлиги натижасида, айбдорлиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал этишда “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг талабларидан келиб чиқиш лозим бўлиб, ҳайдовчи транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, хусусан, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда бошқариши кераклиги;

шу талабдан келиб чиқиб, ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлганда, агар ҳайдовчида буни пайқатиш имконияти бўлса, у транспорт воситасини тўхтатиш даражасигача тезликни камайтириш чораларини кўриши кераклиги;

17-бандида эса, йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор ва жабрланувчини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолганлигини била туриб, ёрдамсиз қолдирган ҳайдовчи ЖК 266 ва 117-моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортилиши лозимлиги;

24-бандида, йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 266-моддаси) деганда, бундай ҳаракатларнинг транспорт воситаси йўлларда ҳаракатланиши жараёнида содир этилиши тушунилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.



Жиноят қонунчилигида, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга била туриб ёрдам кўрсатмаслик деганда, транспорт воситаси ҳайдовчиси жабрланувчи ёшлиғи, кексалиғи, касаллиғи ёки ожиз аҳволда бўлганлиғи сабабли мустақил равишда тиббий ёрдам сўраш имкониятига эга эмаслигини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф мавжудлигини англаган, бироқ унга зарур ёрдам кўрсатмаган (масалан, ҳайдовчи ҳодиса жойидан яширинган, биринчи тиббий ёрдам кўрсатмаган, тез тиббий ёрдам чақирмаган, жабрланувчини яқин орадаги даволаш муассасасига олиб бормаган ва шу каби) ҳоллар тушунилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июнь кунги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сон қарорининг 25-бандида “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиғи, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиғи ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт”, деб кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабига кўра, судланувчи Л.Азаматованинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани, аёллигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Л.Азаматовага жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагича тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида қайд этилган, Инсонпарварлик принципининг жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиғи ҳақидаги;

ушбу кодекснинг 8-моддасида эса жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиғи қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва



жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

4-бандида эса, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги;

3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жинорий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, мазкур Қарорнинг 31-бандида, “Судларнинг эътибори шунга қаратилсин-ки, ЖКнинг 72-моддаси биринчи қисмига мувофиқ шартли ҳукм фақат ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар тайинланган ҳолда қўлланилиши мумкин”лиги кўрсатилган.

Суд, юқоридаги раҳбарий кўрсатмага амал қилиб, судланувчи Л.Азаматовага жазо тури ва миқдорини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, аёллигини, қарамоғида икки нафар (13 ва 6 ёш) вояга етмаган фарзандлари борлигини, жабрланувчининг қонуний вакили учун суднинг депозитига 70.000.000 сўм пул маблағлари қўйганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан у айбли деб топилаётган модданинг санкциясида назарда тутилган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, аёллигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини эътиборга олиб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан айбли деб топилаётган моддалар санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартли деб ҳисоблаб, унга синов муддати белгилашни лозим топади.



Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг АКБ “Инфинбанк”даги депозит ҳисоб рақамига Л.Азаматованинг яқин қариндошлари томонидан топширилган 70.000.000 сўм пул маблағларини жабрланувчи қонуний вакили Югай Алефтина Тургуновна фойдасига қаратишни белгилашни;

Шу билан бирга, суд жабрланувчи қонуний вакили ва бошқа манфаатдор томонларга Л.Азаматовадан жиноят оқибатида етказилган етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД дисни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни белгилашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454, 457, 462, 463, 465, 468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Азаматова Лобар Олимовна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми ва 117-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Азаматова Лобар Олимовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Азаматова Лобар Олимовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Азаматова Лобар Олимовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида Л.Азаматовани 2022 йил 28-декабрда ушланиб, 2023 йил 14-мартга қадарли уй қамоғида сақланган муддатни (76 кун) чегириб ташлаган ҳолда, ўташ учун 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 (уч) йил 3 (уч) ой 14 (ўн тўрт) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Л.Азаматовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартли деб ҳисоблаб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Синов муддати мобайнида Л.Азаматовага яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриши, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасининг 6 ва 8-қисмларида кўрсатилган оқибатлар тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси тартибида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва шартли озодликдан маҳрум қилиш жазолари ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИО ФМБ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Л.Азаматовага нисбатан қўлланилган “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у суд залида уй қамоғидан озод қилинсин.

Л.Азаматовага нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Л.Азаматовага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимнинг АКБ “Инфинбанк”даги депозит ҳисоб рақамига Л.Азаматованинг яқин қариндошлари томонидан топширилган 70.000.000 сўм пул маблағлари жабрланувчи қонуний вакили Югай Алефтина Тургуновна фойдасига қаратилсин.

Жиноят иши ҳужжатларида сақланаётган Л.Азаматовага тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси сақлаш учун Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБга юборилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД дисни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Жабрланувчи қонуний вакили ва бошқа манфаатдор томонларга Л.Азаматовадан жиноят оқибатида етказилган етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкума, жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Т.Дусмуродов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: _____ судья А.Т.Дусмуродов

